

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Рўйхатга олинди:

№ \_\_\_\_\_

2019 йил “12” май

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги:

2019 йил “4” май

## ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР МЕТОДИКАСИ

### ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳалари: 100000 – Гуманитар;  
200000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва хуқук

Таълим соҳалари: 110000 – Педагогика;  
230000 – Иқтисод.

Таълим йўналишлари: 5111000 – Касб таълими 5230600 – (Молия);  
5111000 – Касб таълими 5230700 – (Банк иши);  
5111000 – Касб таълими 5230900 – (Бухгалтерия ҳисоби ва аудит).

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2019 йил “17” 08 даги 4-сон баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил “4” 10 даги 192 -сон буйргу билан маъқулланган фан дастури таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан дастури Тошкент молия институтида ишлаб чиқилган

Тузувчи: Сарсенбаева Р.М. –ТМИ, “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти, п.ф.и. (таянч *ОТМдан*)

Тақризчилар Омонов Х.Т. –ТМИ, “Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори, п.ф.д. (таянч *ОТМдан*)

Ашурев Н.Р. –Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ “Педагогика ва касбий таълим” кафедраси мудири, п.ф.и., доц. (*турдош ОТМдан*)

Махмудов А. – Тошкент банк коллежи директори, и.ф.и., доцент (*кадрлар буюртмачиси*).

Фан дастури Тошкент молия институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия килинган (2019 йил “05” 02 даги 11 -сонли баённома).

## I. ЎҚУВ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ОЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМДАГИ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллек эришиши таълим тизимини янгилашни тақозо этмоқда. Бу тизим янгича фикрловчи ёш авлодни тарбиялашга қаратилган бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида халқни маънавий уйғонишга ва мамлакатнинг ақлий салоҳиятини оширишга олиб келади. “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мазмунида таълим тизими жумладан, олий таълим тизимининг бакалаврият таълим йўналиши талабаларини ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш масаласи кўйилган.

Маълумки, маънавиятсиз ҳеч қандай тараққиёт бўлмайди. Шундай экан, республикамиз мустақил ривожланиб, тараққий етиб маърифатли, маданияти жамият томон боради. Бу эса, Мустақиллик талабларига жавоб бера оладиган етук мутахассисларнинг иқтидорини шакллантиришни ва уларни юксак инсоний фазилатларга эга бўлган шахслар қилиб тарбиялашни тақозо этади.

## II. ЎҚУВ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ

“Тарбиявий ишлар методикаси” фанини ўқитишдан мақсад талабаларни бўлажак иқтисодчи-педагогларни тарбиявий ишларнинг ташкил этилишини назарий ва амалий асослари билан танишириш, тарбиявий тадбирларни ташкил этиш йўлларини кўрсатиш, таълим мазмуни сифати ва самарадорлигини оширишда янгича ишлашнинг мазмуни, моҳияти, тамойили, методи, воситалари ва шаклларидан самарали фойдаланиш, соғлом авлодни тарбиялаш масалаларига оид билим, кўнімка ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан бўйича талабалар ўкув фанининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида гоявий тарбиялашнинг мақсади, вазифалари ва усуулларини ўрганиш; бўлажак иқтисодчи-педагогларда тарбиявий тадбирларни ташкил этишининг шарт-шароитларини аниклаш, педагогларнинг ўқувчилар билан ўзаро муомаласини ўрганиш, тарбиявий тадбирларни ташкил этиш, унинг сифати ва самарадорлигини оширишда янгича ишлашнинг методи, воситалари ва шаклларидан фойдаланиш йўлларини кўрсатиш, ўқувчиларни ўрганиш, кузатиш ва тъясир кўрсатиш йўлларини аниклаш; гурух жамоасини ташкил этиш ва уни тарбиялаш методикасини ёритиш, тарбиявий ишларни ташкил этишда ташкилотчи шахсига ва касбига кўйиладиган педагогик талабларни аниклаш кабилар бўйича назарий ва амалий билимларни узвийлик ва узлуксизликда ўрганишлари учун уларнинг билим, кўнімка ва малакаларига кўйидаги талаблар кўйилади:

### Талаба:

- тарбиявий ишлар методикаси фанининг моҳияти, мақсади ва вазифалари;
- Шарқ мутафаккирлари ва И.А.Каримов асарларининг илмий-ижодий меросидан тарбиявий мақсадларда фойдаланиш;
- ўзини ўзи бошқариш, идора килиш ва тарбиялаш;
- педагогик маҳорат ва педагогик техника;

- педагогларнинг ўкувчилар билан ўзаро муромаласи ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- ўкувчиларни ўрганиш, кузатиш ва таъсир кўрсатиш методикаси;
- гурух жамоасини ташкил этиш ва уни тарбиялаш методикаси;
- шахсга жамоа орқали тарбиявий таъсир кўрсатишнинг шакл ва методлари;
- оила ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар методикаси;
- ўкувчиларни билимга бўлган қизиқишини ошириш орқали тарбиялашни билиши ва улардан фойдалана олиши;
- ўкувчиларда интизомлиликни тарбиялашнинг шакл ва методлари;
- гурух раҳбари ишини режалаштириш ва уни хисобга олиш;
- тарбиявий ишларни олиб борища ташкилотчи шахси ва касбига кўйиладиган талабларни билиш;
- тарбиявий ишларни олиб борища ташкилотчи ишини ташкил этиш методикаси;
- ташкилотчининг ўкувчилар жамоаси билан ҳамкорликда иш олиб бориш методикасини;
- тарбиявий ишларни ташкил этишда тарбия методларидан самарали фойдаланиш;
- тарбиявий ишларни олиб борища ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш;
- тарбиявий тадбирларни режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказиш методикаси кабилар ҳақидаги қўнималарга эга бўлиши керак.

### **III. АСОСИЙ НАЗАРИЙ ҚИСМ (МАЪРУЗА МАШГУЛОТЛАРИ)**

#### **1-МОДУЛ. ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ**

##### **1-мавзу. “Тарбиявий ишлар методикаси” фанининг мақсади ва вазифалари**

Тарбиянинг умумий таърифи. Тарбия жараёни ва унинг моҳияти. “Таълим тўғрисида”ги конун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида ўкувчиларни ғоявий тарбиялаш мақсади, вазифалари, усуллари ва педагогик таҳлили. Шарқ мутафаккирларининг шарқона тарбия ҳақидаги билдирган фикрлари. Farb олимларининг тарбия усуллари ҳақидаги фикрлари. Тарбиянинг миллий ва умуминсоний қадриятлар камровида бўлиши. Тарбияда миллий урф-одатлар ва анъаналар. Замонавий ўқитувчи киёфаси. Тарбиявий ишларнинг изчиллиги ва тизимлилиги.

##### **2-мавзу. Шарқ мутафаккирлари ва И.А.Каримов асарларининг илмий-ижодий меросидан тарбиявий мақсадларда фойдаланиш**

Фаробийнинг комил инсон ҳақидаги фикрлари. Абу Райхон Берунийнинг моддий ва маънавий олам яхлитлиги тўғрисидаги карашлари. Алишер

Навоийнинг ўзликни англаш ҳақидаги гоялари илмий-маърифий мероси ва унинг тарбиявий аҳамияти. Абу Али ибн Сино асарларида ахлоқий фазилатларнинг ифодаланиши ва педагогик карашлари. Амир Темур одоб-ахлоқ, иймон, эътиқод, таълим-тарбия ҳақида. Мутафаккирларнинг таълим ва тарбияя оид педагогик карашлари.

Жадидчилик ҳаракати намоёндалари тарбия ҳақидаги анъанавий ва ноанъанавий фикр ва карашлари. Педагог олим Сухомленскийнинг муомала маҳорати ва унинг яширин сири ҳақидаги фикр-мулоҳазалари.

И.А.Каримов асарлари мазмунида таълимий ва тарбиявий масалалар.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг педагогик аҳамияти. Маънавият

– инсоннинг улгайиш ва куч-кудрат манбаидир. Маънавиятни англаш. Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар. Энг буюк жасорат

##### **3-мавзу. Ўзини ўзи бошқариш, идора қилиш ва тарбиялаш**

Ўзини ўзи бошқаришнинг назарий асослари. Ижтимоий жараёнлар бошқарув назариясининг объектив асослари. Ҳар қандай жамият уч ижтимоий жабҳадан ташкил топади, улар ўзаро узвий боғлик бўлиб, биргаликда «жамият ҳаёти» деган комплексни ташкил қиласди: сиёсий ҳаёт, иқтисодий ҳаёт, ижтимоий ҳаёт. Бошқарув усуллари: илмий бошқарув, иқтисодий бошқарув, маъмурий бошқарув.

Ўзини ўзи идора қилиш методлари. Ўзини ўзи назорат қилиш ва хисоб бериш. Ўзини ўзи тарбиялаш методлари ва шакллари. Ўзини ўзи тарбиялаш шахсий мажбурияти, ўз иши ҳақида хисоботларни таҳлил қилиш, хатти-харакатларида ўзини ўзи назорат қилиш ва ўзига-ўзи баҳо бериш методлари. Ўзини ўзи ишонтириш, ўзига-ўзи буйруқ бериш, коралаш, ўзини ўзи руҳлантириш методлари.

##### **4-мавзу. Педагогик маҳорат ва педагогик техника**

Педагогик маҳорат фанининг предмети, мақсади ва вазифалари. Педагогик маҳорат тушунчаси ва унинг тузилиши. Педагогик фаолият ва маҳорат. Педагогик таъсир кўрсатиш. Педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари. Педагогик талаб. Рағбатлантириш ва жазолаш усуллари.

Педагогик таъсирнинг таълим-тарбиядаги ўрни. Ишонч ўзаро ҳамкорликдаги таъсир этишининг натижаси эканлиги. Таъсир этиш натижасига ва мазмунига қараб фарқланиши. Бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиш.

Педагогик техника ва унинг тузилиши. Педагогик техника ҳақида тушунча. Таъсир кўрсатишнинг педагогик таъсир техникаси. Педагогик таъсир усуллари. Педагогик техниканинг таркибий элементлари ва хусусиятлари. Эмоционал ҳолатни бошқариш.

##### **5-мавзу. Педагогларнинг ўкувчилар билан ўзаро муромаласи**

Мулоқот ҳақида тушунча. Педагогнинг ўкувчилар билан муромала олиб боришининг моҳияти. Мурошарат одоби. Ёш авлодда мурошарат одобини шакллантириш. Муромала – ахборот жараёни. Ўқитувчи муромала субъекти сифатида. Педагогнинг ўкувчилар билан ўзаро муромалада туттган йўлли.

Мулокот ва фаолият тушунчаси. Шахслараро мулокот. Инсонпарварлик. Инсонпарварлик асосидаги мулокот. Шахслараро мулокотни инсонпарварлаштириш. Педагогик мумомала маданияти. Мумомала билиш жараёни сифатида.

Тарбия педагогик категория сифатида. Тарбия тушунчаси ва назарияси. Тарбия жараёни. Мулокот тарбия воситаси сифатида. Мулокотнинг ижтимоий асослари. Педагогик мулокот вазифаларини амалга ошириш воситалари

#### **6-мавзу. Ўкувчиларни ўрганиш, кузатиш ва таъсир кўрсатиш методикаси**

Ўкувчиларни турли методлар ёрдамида ўрганиш. Гурух раҳбарининг фаолияти кўп қиррали ва сермазмун эканлиги. Тарбиявий ишлар жараёнида гурух раҳбари бутун гурух жамоасини пухта ўрганиши ва улар ҳақидаги маълумотларни аниқлаши.

Ўкувчиларни педагогик кузатиш улар ҳаёти ва фаолиятини ўрганишнинг энг ишончли усусларидан. Ўкувчиларни ўрганиш. Ўкувчиларни кузатиш ва ундан тўплланган маълумотлар умумийлик ва нисбийлик касб этиши.

Педагогик таъсир кўрсатишнинг шакл ва методлари. Ўкувчиларнинг индивидуал хусусиятларини хисобга олиш. Ўкувчиларни ўрганиш, уларга тарбиявий таъсир кўрсатиш. Педагогик таъсир кўрсатиш методикаси. Педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усуслари. Педагогик таъсирнинг таълим-тарбиядаги ўрни. Педагогик таъсир кўрсатиш турлари.

#### **7-мавзу. Гурух жамоасини ташкил этиш ва уни тарбиялаш методикаси**

Жамоа ҳақида тушунча. Жамоада шахснинг қарор топиши. Гурух раҳбари ишида ўкувчилар жамоасини ташкил этиш, шакллантириш ва жамоада шахсни тарбиялаш – тарбиянинг етакчи коидаси. Ўкувчиларнинг жамоа турмуш тарзи, меъёрлари ва коидалари. Гурух раҳбари ишининг ўзига хос хусусияти. Жамоада шахсни тарбиялашда якка тартибдаги ёндашувнинг аҳамияти.

Гурух раҳбари ўкувчиларни якка тартибда ва уларни жамоа билан тарбиялашда ота-оналар билан ўзаро ҳамкорлик. Ота-оналар билан иш олиб боришнинг анъанавий таркиб топган шакли, бу ота-оналар йигилишлари.

#### **8-мавзу. Шахсга жамоа орқали тарбиявий таъсир кўрсатишнинг шакл ва методлари**

Мустакил фикрловчи эркин шахсни шакллантириш – таълим ва кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий мақсади. Шарқ мутафаккирлари асарларида комил инсонни тарбиялаш масаласи. Ўкувчилар жамоасининг шаклланиш босқичлари. Жамоада ўкувчиларнинг ўзини ўзи бошқариши. Жамоа анъаналари. Шахс ва жамоа. Ўкувчилар жамоаси.

Жамоанинг ривожланишининг дастлабки босқичи. Комил инсон шахсини тарбиялашда жамоанинг ўрни ва аҳамияти. Ўкувчининг ривожланиши муҳим жараён. Ўкувчининг камолотига, руҳиятига, феъл-автори шаклланишига таъсир этувчи омиллар.

#### **9-мавзу. Оила ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар методикаси**

Оила ҳақида тушунча ва унинг моҳияти. Оилавий муносабатлар. Оиланинг мақсади ва вазифалари. Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари. Фарзанднинг ота-она олдидаги бурчлари. Оила ва ислом. Дошишманлар оила ҳақида.

Оила тарбиясининг моҳияти. Оила тарбиясининг объектив ва субъектив омиллари. Оила тарбиясида болаларни айлий жиҳатдан тарбиялаш муҳимдир. Ақлий тарбия. Оилада тарбиявий ишлар. Мехнат тарбияси. Оила тарбиясини ташкил этиш шакл, метод ва воситалари. Ота-оналар билан олиб бориладиган ишлар. Оила, таълим муассасаси, маҳалла ва жамоатчилик ҳамкорлиги.

Оила муаммолари. Ташкилотчининг оила ва жамоатчилик билан олиб борадиган тарбиявий ишлари. Дарсдан ташқари ўтказиладиган тўғараклар. Оила – тарбия ўчғи. Оила – жамият негизи. Оила ва жамият – моҳиятан бирбири билан чамбарчас боғлик. Оила тарбияси.

Гурух раҳбари ва ташкилотчининг оила ва жамоатчилик билан олиб борадиган ишлари. Ўқитувчи-гурух раҳбари сифатида. Ота-оналар гурухи мажлисини мунтазам ташкил этиш. Ота-оналарга педагогик билим бериш. Ота-оналар учун маъруза. Биринчи ота-оналар гурух мажлисини ташкил қилиш методикаси.

#### **2-МОДУЛ. ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МЕТОДИК ЖИҲАТЛАРИ**

##### **10-мавзу. Ўкувчиларни билимга бўлган қизиқишини ошириш орқали тарбиялаш**

Илмий дунёкараш ва тафаккурни шакллантириш. Ақлий тарбия. Ақлий таълим ва тарбия асосида шахс тафаккурининг ривожланиши. Ўкувчилар билиш фаоллигини тараккий эттиришда гурух раҳбарининг вазифалари.

Шарқ мутафаккирлари асарларида билиш ҳамда инсон ақлий тафаккури ҳақида: Абу Наср Форобий инсон томонидан борликни англаши; Абу Райҳон Берунийнинг инсон ўз тафаккури, акли туфайли нарса ва ҳодисаларни таққослаши; Ибн Сино асарларида билимнинг чукур ўзлаштирилиши донишманллик эканлиги кабилар.

Иқтисодий тарбия тушунчаси. Иқтисодий тарбия – ўкувчиларда илмий дунёкарашини шакллантиришдаги ўрни. Иқтисодий тарбиянинг мақсади, вазифалари ва мазмуни. Экологик тарбия – ўкувчилар дунёкарашини шакллантиришнинг таркибий қисми. Ахлоқий тарбия. Ахлоқий тарбия орқали ўкувчиларнинг онги, хис-туйғулари ва иродасига таъсир этиш. Ўкув маданиятини ошириш ва ўқишига ўртоқларча ўзаро ёрдам уюштириш.

Ўкув ишлари ва меҳнатига онгли муносабатда бўлиш. Ўкувчиларни билиш фаоллигини такомиллаштириш ва уларда интизомлилики тарбиялаш.

## **11-мавзу. Ўқувчиларда интизомлиликни тарбиялашнинг усул ва методлари**

Тарбия методлари ҳакида тушунча. Халқ педагогикасида тарбия методлари: тушунтириш, сұхбат, ҳикоя, намуна кўрсатиш, насиҳат қилиш кабилар. Абу али ибн Сино таълимга бўлган қарашларининг фалсафий пойдевори: инсон ва руҳий билимлар; инсон қалби; инсон табиати (яхши ёки ёмон); жамиятнинг ўрни; қалб ва билимга йўл; этика, сабаб ва аклий хулк.

Ўзини ўзи тарбиялаш методлари: шахсий мажбурият; ўзини ўзи назорат; ўзини ўзи таҳлил; ўзини ўзи баҳолаш ва изоҳлаш; ишига қараб ўзини ўзи рағбатлантириш ва жазолаш; кейинги кун учун режа тузиш.

Ўқувчиларда интизомлиликни тарбиялашда гурӯх раҳбари ишининг мақсади ва вазифалари. Педагогик технологияларни қўллашда ўқитувчи амал килиши зарур бўлган коидалар. Ўқувчиларда интизомлиликни тарбиялашда дарсларнинг ижодий, ноанъанавий, интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланиш зарурятни.

## **12-мавзу. Гурӯх раҳбари ишини режалаштириш ва ҳисобга олиш**

Режалаштириш ҳакида тушунча. Гурӯх раҳбари ишини режалаштириш ва ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусияти. Режа – ўқувчиларга тарбия бериш жараёнини муваффақиятли ташкил этишнинг зарурий шарти. Режага кўйиладиган бир қатор талаблар. Режа гурӯх раҳбарининг тарбия бериш фаолияти. Режанинг шакл ва йўналишлари ранг-баранг ва истиқболли бўлиши.

Гурӯх раҳбарининг тарбиявий ишлар режаси – бу мажбурий педагогик хужжат эканлиги: ўқувчилар жамоаси билан ишлаш; ўқувчилар ва ўсмирлар уюшмаси билан биргаликда олиб бориладиган ишлар; гурӯх ўқувчилари билан ҳамкорликда ишлаш. Гуруҳдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил этиш. Ота-оналар билан ишлаш.

## **13-мавзу. Тарбиявий ишларни ташкил этишда ташкилотчига қўйиладиган талаблар**

Ташкилотчи (директорнинг маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлари бўйича ўринбосари)нинг ўқувчиларга нисбатан меҳр ва мухаббати, педагогик жамоага ва ота-оналарга нисбатан талабчан бўлиши. Ташкилотчининг мунтазам ўз устида ишлаб, сабр-бардошли, ўз фикрларини пухта баён килиб, жамоани ўзига жалб кила оладиган хислатлари. Тарбиявий ишларни ташкил этишда ташкилотчи шахсига ва касбига кўйиладиган талаблар

Ўқувчиларнинг дарс ва дарсдан ташқари гарбиявий фаолиятини режалаштиришнинг ўзига хос коидалари. Тарбиявий ишлар ташкилотчисининг мақсади ва вазифалари. Ташкилотчининг ҳукуклари ва бурчлари.

Ўқитувчилик касби ва унинг жамиятда тутган ўрни. Замонавий ўқитувчи шахсидаги фазилатлар. Ўқитувчи шахсининг хусусиятлари. Кўнкима ва малакалар ҳосил қилиши. Ўқитувчининг педагогик-психологик тайёргарлиги. Педагогик жараённи тўғри уюштириши. Махсус тайёргарликнинг ҳажми ва мазмuni. Ихтисосга оид методик тайёргарлик мазмuni.

## **14-мавзу. Тарбиявий ишларни ташкил этишда ташкилотчининг ишлаш методикаси**

Тарбиявий ишларга раҳбарлик қилувчи ташкилотчи фаолиятининг мақсади ва вазифалари. Тарбиявий ишларни давр талабига жавоб берадиган ҳолга келтириш. Тарбиявий ишларни ташкил этишда тўгаракларнинг ўрни: фан тўгараклари, хунармандчилик тўгараклари, спорт мусобақалари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва бошқ. Таълим муассасасида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни мунтазам, кетма-кетликда режа, дастур асосида олиб борилиши ҳамда назорати.

Тарбиявий ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Ўқитувчи талаблари. Тарбиявий ишларни ташкил этишда ўқитувчининг йўлналтирувчи таъсири остидаги ўқувчиларнинг ўзини ўзи назорат қилиши асосига қурилган кутубхонада ва уйда якка тартибдаги режа асосида ўтказиладиган мустакил машғулотлар. Талаба билан шуғулланишнинг турли усул ва даражалари.

## **15-мавзу. Ўқувчилар жамоаси билан ҳамкорликда иш олиб бориш методикаси**

Ўқувчилар жамоаси ривожланиши жараённинг мақсади, вазифалари ва босқиялари. Жамоа ўзини ўзи бошқариш қўмитаси сифатида. Жамоа назарияси коидалари. Тарбия жараённинг қонун-коидалари. Ўқувчиларнинг асосий вазифаси ўқишдан иборат эканлиги. Жамоа ривожланганлигининг аникланганлик даражаси. Ўқувчилар жамоасини шакллантириш ва ҳамкорликда иш олиб бориш йўллари.

Жамоани шакллантириша жамоа аъзолари ва уларнинг фаолиятларига кўйиладиган ягона талаблар. Инсон камолотига таъсир этадиган омиллардан яна бири, бу мухитдир. Дўстлик – инсон ахлоқининг бебаҳо гўзаллиги ҳакида. Ривоят ва хикоятлар. Шарқ мутафаккирлари асарларида ҳикматли сўзлар, ривоят ва хикоятлардан намуналар.

## **16-мавзу. Тарбиявий ишларни ташкил этишда тарбия методларидан фойдаланиш**

Тарбия методларининг мақсади ва вазифалари. Тарбия методлари турли элат, миллат ва давлатларда турли-туманлиги билан фарқ килиши. Тарбия методларининг тавсифланиши, турлари, мазмuni ва фойдаланиш йўллари.

Тарбияда ижобий намуна ва ибрат кўрсатиш методларидан фойдаланиш. Ўқувчи-талабаларнинг ривожланишида турли таъсирлар ва хурматига сазовор бўлган кишиларнинг шахсий ибрат-намунаси.

Тарбияда рағбатлантириш ва жазолаш методлари. Тарбияда маъқуллаш, ишонч билдириш, ишониш, қайд этиш, мақтов ва танбех таъсири, жазо, пўписа, койиш кабилардан фойдаланиш йўллари.

Тарбияси қийин бўлган ёшлар билан ишлаш. Тарбияси қийин бўлган ёшларга тарбиявий таъсир ўтказишида қайта ишонтириш методидан фойдаланиш.

## **17-мавзу. Тарбиявий ишларни олиб бориша халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш**

Миллий қадриятларнинг баркамол инсонни тарбиялашдаги ўрни. Халқ оғзаки ижоди жанрлари: эпик ижод намунаси; қўшиклар, алла ва лапарлар; маколлар, маталлар, ҳикматлар, қайроқи сўзлар, афористик иборалар; асотирлар, афсона ва ривоятлар; эртаклар, достонлар, топишмоқ кабилар ёшларни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти.

Ўзбек халқ оғзаки намуналари: фолклор – халқ оғзаки ижоди намунаси сифатида; тез айтиш ва ўйинларнинг тарбияда тутган ўрни; топишмоқлар ва мақолларнинг тарбиядаги ўрни; топишмоқлар ва мақолларнинг тарбиядаги ўрни; қўшиқ, алла, лапарлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти; эртак, достон, ривоят, матал, масаллар орқали тарбиявий таъсир кўрсатиш йўллари; мақолларнинг энг кенг тарқалган шакли ўйтган кабилар ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг асосий таркибий қисмидир.

## **18-мавзу. Тарбиявий тадбирларни режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказиш методикаси**

Рахбарликнинг зарур конун-коидаси режалилиkdir. Режалаштиришга кўйиладиган талаблар. Режалаштиришда гурух раҳбарининг педагогик тайёргарлиги, тажриба ва шахсий хусусиятлари. Гурухга кисқача тавсифнома. Тарбиявий вазифалар.

Ўкувчиларга тарбия беришининг асосий турлари ва шакллари. Маънавият ва бурч тарбияси. Ўкувчилар турар жойларида тарбиявий тадбирларни ташкил этиш. Ўкувчиларнинг мустақил тайёргарлиги, уларда мустақиллик, масъулият ва меҳнатсеварликни шакллантириш. Китоб ва мутолаа.

Билим олишда онгли муносабатни тарбиялаш. Соғликни саклаш ва соглом авлодни тарбиялаш тадбирлари. энг янги янгиликлар ва тарихий саналарни нишонлаш тадбирлари. Ўкувчилар ишлаб чиқариш (меҳнат) уюшмаси ва кўрик мусобака тарбиявий тадбирини ташкил этиш ва ўтказиш учун унинг тарбиявий аҳамияти, ташкил этиш методикаси, ўтказилиш босқичлари ҳамда иштирокчилар фаолиятини баҳолаш мезонлари.

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРЛАР БЎЙИЧА КЎРСАТМА ВА ТАВСИЯЛАР**

Амалий машгулотлар бўйича кўйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Тарбиявий ишлар методикаси фанининг моҳияти, мақсади ва вазифалари.
2. Шарқ мутафаккирлари ва и.а.каримов асарларининг илмий-ижодий меросидан тарбиявий мақсадларда фойдаланиш.
3. Ўзини ўзи бошқариш, идора қилиш ва тарбиялаш.
4. Педагогик маҳорат ва педагогик техника.
5. Педагогларнинг ўкувчилар билан ўзаро муомаласи.
6. Ўкувчиларни ўрганиш, кузатиш ва таъсир кўрсатиш методикаси.

7. Гурух жамоасини ташкил этиш ва уни тарбиялаш методикаси.
8. Шахсга жамоа орқали тарбиявий таъсир кўрсатишнинг шакл ва методлари.
9. Оила ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар методикаси.
10. Ўкувчиларни билимга бўлган қизиқишини ошириш орқали тарбиялаш.
11. Ўкувчиларда интизомлиликни тарбиялашнинг шакл ва методлари.
12. Гурух раҳбари ишини режалаштириш ва уни ҳисобга олиш.
13. Тарбиявий ишларни олиб бориша ташкилотчи шахси ва касбига кўйиладиган талабларни билиш.
14. Тарбиявий ишларни олиб бориша ташкилотчи ишини ташкил этиш методикаси.
15. Ташкилотчининг ўкувчилар жамоаси билан ҳамкорликда иш олиб бориш методикасини.
16. Тарбиявий ишларни ташкил этишда тарбия методларидан самарали фойдаланиш.
17. Тарбиявий ишларни олиб бориша халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш.
18. Тарбиявий тадбирларни режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

Амалий машгулот мавзуларида фанининг ишчи ўкув дастурини ишлаб чиқища кўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Амалий машгулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академгурухга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машгулотлар фаол ва интерфаол усууллар ёрдамида ўтилиши, мос равиша педагогик ва ахборот технологиялар кўлланилиши мақсаддага мувофиқ.

## **V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ВА МУСТАҚИЛ ИШЛАР**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Тарбиянинг умумий таърифи. Тарбия жараёни ва унинг моҳияти.
2. Фаробийнинг комил инсон ҳакидаги фикрлари. Берунийнинг моддий ва маънавий олам яхлитлиги тўғрисидаги қарашлари.
3. Ўзини ўзи бошқаришнинг усууллари. Ўзини ўзи идора қилиш ва тарбиялаш.
4. Педагогик маҳорат фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.
5. Педагогнинг ўкувчилар билан муомаласи.
6. Гурух раҳбарининг фаолияти кўп киррали ва сермазмун эканлиги.

7. Гурух раҳбари ишида ўқувчилар жамоасини ташкил этиш, шакллантириш.
8. Ўқитувчи фаолиятида ўқувчилар жамоасини шакллантириш асосий вазифа.
9. Оила ҳақида тушунча ва унинг моҳияти. Оила ва ислом.
10. Ўқувчиларнинг билиш фаоллигини тараққий эттиришда гурух раҳбарининг вазифаси.
11. Ўқувчиларда интизом-лиликни тарбиялашда гурух раҳбарининг мақсади ва вазифалари.
12. Режалаштириш ҳақида тушунча. Гурух раҳбари ишини режалаштиришнинг ўзига хос хусусияти.
13. Тарбиявий ишларга раҳбарлик килувчи ташкилотчининг вазифалари.
14. Тарбиявий ишлар ташкилотчисининг қобилияти ва ишбильармонлиги.
15. Жамоа ўзини ўзи бошқариш қўмитаси сифатида.
16. Тарбия методларининг мақсади, вазифалари ва туркumlаниши.
17. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан тарбиявий мақсадларда фойдаланиш йўллари.
18. Режалаштиришда гурух раҳбарининг педагогик тайёргарлиги, тажриба ва шахсий хусусиятлари.

Мустакил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот килиш тавсия этилади.

## **VI. ФАН БЎЙИЧА КУРС ИШНИНІ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

Фан бўйича курс ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

## **VII. АСОСИЙ ВА ҚЎШИМЧА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАР ХАМДА АҲБОРОТ МАНБАЛАРИ**

### **АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР**

1. Sarsenbayeva R.M. Tarbiyaviy ishlar metodikasi. O'quv qo'llanma. – Т.: Iqtisod-moliya, 2019. -272 б.
2. Sarsenbayeva R.M. "Turbiyaviy ishlar metodikasi" o'quv fanini o'rganish yo'llari. Uslubiy qo'llanma. – Т.: ТМИ, 2018. - 294 б.
3. Сарсенбаяева Р.М. Талабалар мустакил таълимими ташкил этиш методикаси. Ўқун-услубий кўлланма. – Т.: ТМИ, 2014. – 108 б.
4. Рожков М.И., Байбородова Л.В., Теория и методика воспитания 2-е изд., перераб. и доп. Учебник и практикум для академического бакалавриата. – М.: Издательство Юрайт, 2019. – 330 ст.
5. Руденко А.М., Самыгин С.И., Васьков М.А. Методика воспитательной работы. Учебное пособие, ФГОС. – М.: Феникс, 2015. – 284 ст.
6. Ҳасанбоев О. ва бошқалар. Тарбиявий ишлар методикаси. Ўқув кўлланма. – Т.: Илим зиё, 2014. – 166 б.

### **ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР:**

7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2018.
8. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни, 1998.
9. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни, 1998.
10. Каримов И.А. Юксек манзаният – сенгилмас куч. –Т.: Маънавият, – 2008.
11. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегигиси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти нинг 2017 йил 7 феңралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
12. Мирзиёев Ш.М. Бурук келжагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга куромиз. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. – 488 б.
13. Мирзиёев Ш.М. Тинкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. – 104 б.
14. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликди барни этамиз. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. – 56 б.
15. Мирзиёев Ш.М. Қонуни устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрг тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. – 48 б.

16. A handbook for teaching and learning in higher education: enhancing academic practice / [edited by] Heather Fry, Steve Ketteridge, Stephanie Marshall. –3 rd ed. p. cm.

17. Abd al-Rahman al.Naqib (Egypt). Professor and director of the Department of Educational Fundamentals at Mansoura University. Author of numerous articles and books; has participated in several national and international conferences on education. Among his works are: Avicenna's Educational Philosophy; Muslim Theoretical and Practical Medical Training; Studies on Islamic Education; The Degree of Islamic Involvement among Students; and Islamic Education: Vocation and Structure (in Arabic).

18. Sarsenbayeva R.M. Iqtisodiy fanlarni o'qitishda qo'llaniladigan interaktiv metodlar. O'quv-uslubiy qo'llanma. – T.: TMI, 2015. – 152 b.

19. Xolyigitova N., Abdumajidova D. Kasbiy psixologiya. O'quv qo'llanma. – T.: Iqtisod-moliya, 2018. – 286 b

#### **ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ:**

20. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали
21. [www.zivonet.uz](http://www.zivonet.uz) – ZiyoNet таълим портали
22. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz) – Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ўқув юрти сайти
23. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz) – Педагогика йўналишига оид китоблар сайти
24. [www.tfi.uz](http://www.tfi.uz) – Тошкент молия институти ўқув юрти сайти
25. [www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz) – Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ўқув юрти сайти
26. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатларини маълумотлари миллый базаси